



ЎЗИНИ ЎЗИ ЎЛДИРИШ ДАРАЖАСИГА ЕТКАЗИШ ЖИНОЯТИНИНГ ТУШУНЧАСИ, ТАРКИБИ, ТАВСИФИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Расулов Мўминмирзо Рустамович

Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси магистратура босқичи
тергов фаолияти тингловчиси.
rasulovmominmirzo@gmail.com

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 20-May 2023 yil

Ma'qullandi: 23-May 2023 yil

Nashr qilindi: 26-May 2023 yil

KEY WORDS

ўзини ўзи ўлдириш даражасига
етказиш, қўрқитиш, раҳмсиз
муомала қилиш, шаъни ва қадр-
қимматини муттасил
равишда камситиш, объект,
субъект, объектив томон,
субъектив томон.

ABSTRACT

Мазкур мақолада ўзини ўзи ўлдириш даражасига
етказиш жиноятининг тушунчаси ва луғавий
маъносини, бу бўйича олимлар фикри, жиноий-
хуқуқий тавсифи, дунё бўйича ўзини ўзи ўлдириш
даражаси, унинг ижтимоий хавфлилиги, мазкур
жиноятнинг сабаблари ва уларни содир этилишига
имкон берган шарт-шароитлар келтириб ўтилган.

Инсон, унинг ҳаёти ва соғлиғи давлат томонидан қўриқладиган энг олий
қадрият ҳисобланади. Шахснинг эркин яшаши унинг бирламчи ҳуқуқларидан бири
бўлиб, бу давлат томонидан муҳофаза этилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25-моддасида яшаш ҳуқуқи ҳар
бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқлиги ва у қонун билан муҳофаза этилиши белгиланган.
Бундан ташқари, Конституциянинг 26-моддасига кўра, инсоннинг шаъни ва қадр-
қиммати дахлсиздир. Ҳеч нарса уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмас. Ҳеч
ким қийноққа солиниши, зўравонликка, бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон
қадр-қимматини камситувчи муомалага ёхуд жазога дучор этилиши мумкин эмас.¹
Мазкур конституциявий нормадан келиб чиқиб, инсон ҳаётига, унинг шаъни ва қадр-
қимматига қилинган ҳар қандай тажовуз давлат томонидан таъқиб этилиши ва
жиноят қонунчилиги бўйича жавобгарликка тортилишини билиш мумкин.

Ўзини ўзи ўлдириш бу табиий бўлмаган ўлим турларидан бири бўлиб, бунда
шахс ўз ҳаётига қасддан нуқта қўяди. Шахснинг яшашни истамаслиги, ўз ҳаётининг
қадрига етмаслиги мазкур ҳаракат содир этилишига олиб келувчи асосий омил
ҳисобланади. Юқоридаги омилларга олиб келувчи сабаблар эса шахснинг турмуш
тарзи, унга таъсир ўтказувчи ташқи муҳит ҳамда ижтимоий-иқтисодий ҳолатлардир.
Масалан, ишсизлик, оилавий низолар, спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик ва психотроп

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 25-26-моддалари

воситаларнинг истъомол қилиниши, инсон руҳиятига таъсир ўтказган бошқа шахсларнинг муносабати ва ҳ.к.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг 2019 йилда берган маълумотида кўра дунё бўйлаб ҳар йили 700.000дан ошиқ инсонлар ўз жонига қасд қилишади ва бу ҳар 40 сонияда бир инсон умрига тенг келади.² Мазкур рақамлар бу ҳолатнинг қай даражада долзарблиги ва инсоният келажагига салбий таъсир ўтказиши мумкинлигидан далолат беради.

Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш ҳаракати жиноят бўлиб, қасддан одам ўлдириш билан боғлиқ бўлмаган ҳаётга қарши қаратилган жиноят ҳисобланади. Бу жиноят ўзининг жамият ҳаётида ваҳима ва салбий руҳий таъсир ўтказиши ҳамда инсонлар онгида узоқ вақт сақланиб қолиши билан ажралиб туради.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 103-моддасига кўра шахсни кўрқитиш, унга раҳмсиз муомала қилиш ёки унинг шаъни ва қадр-қимматини муттасил равишда камситиш натижасида уни ўзини ўзи ўлдириш даражасига ёки ўзини ўзи ўлдиришига суиқасд қилиш даражасига етказиш жиноят деб топилади. Бу ўринда ўзини ўзи ўлдиришга қасд қилган шахс мазкур модда билан жавобгарликка тортилмаслигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Шу ўринда мазкур модда диспозициясида берилган асосий тушунчаларга тўхталиш лозим деб ҳисоблаймиз. Хусусан, “кўрқитиш” сўзи ўзбек тилининг изоҳли луғатида “бирон-бир шахсга ёки ижтимоий манфаатларга оғзаки, ёзма шаклда ёки бошқа усуллар билан жисмоний, моддий ёки бошқа турдаги зиён етказиш ниятини ифода этиш; инсонга руҳий азоб бериш усулларида бири” деб таъриф берилган.³

Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш ҳаракатига жиноят сифатида баҳо бериш учун учинчи шахс(лар) томонидан шахсни кўрқитиш ҳаракатидан ташқари унга нисбатан раҳмсиз муомала қилиш ёки унинг шаъни ва қадр-қимматини муттасил равишда камситиш ҳаракати ҳам инobatга олинади.

Профессор М.Х.Рустамбоевнинг ёзишича, “Раҳмсиз муомала қилиш – жабрланувчига жисмоний ёки руҳий азоб берадиган қўпол, бешафқат муомала қилиш (масалан, калтаклаш, уриш, уй-жойдан, иссиқликдан, овқатдан, сувдан, тирикчилик воситаларидан маҳрум қилиш, ишдан асоссиз бўшатиш) ҳоллари тушунилади”.⁴

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 11.09.1998 йилда қабул қилинган “Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 20-сонли қарорида раҳмсиз муомала тушунчасига жабрланувчига нисбатан қўпол ва аёвсиз муносабатда бўлиб, унга жисмоний ёки руҳий азоб етказиш (масалан, муттасил калтаклаш, озиқ-овқатдан, сувдан ва бошқалардан маҳрум этиш) ҳоллари дея таъриф берилган.⁵

² World Health Organization. Suicide worldwide in 2019. Global Health Estimates. 4-бет

³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. / А.Мадвалиев таҳрири остида. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – Б. 415.

⁴ Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм. Олий ўқув юртлари учун дарслик. М.Х.Рустамбоев. – Тошкент. “Ўқитувчи”, 2003. 60-бет

⁵ “Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 11.09.1998 йилдаги 20-сонли қарори

Шахснинг шаъни ва қадр-қимматини муттасил равишда таҳқирлаш деганда, жабрланувчининг шаъни ва ғурурини бир неча марта таҳқирлашни (масалан, туҳмат қилиш, ҳақоратлаш, таъқиб этиш ва ҳоказоларни) тушуниш керак.

Мазкур жиноятнинг таркибига тўхталиб ўтадиган бўлсак, жиноят объекти бўлиб шахснинг ҳаёти, яъни инсон ҳаётининг хавфсизлигини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. Субъекти ЖК 17-моддасига мувофиқ 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахсдир. Мазкур жиноят объектив томондан шахсни қўрқитиш, унга нисбатан қўпол ва аёвсиз муносабатда бўлиб, унга жисмоний ёки руҳий азоб етказиш орқали раҳмсиз муомала қилиш, унинг шаъни ва қадр-қимматини муттасил равишда камситиш орқали уни ўзини ўзи ўлдириш даражасига ёки ўзини ўзи суиқасд қилиш даражасига етказиш орқали амалга оширилади. Бундан ташқари объектив томондан юқоридаги ҳаракатларнинг моддий томондан ёки бошқа жиҳатлардан айбдорга қарам бўлган шахсга нисбатан; вояга етмаган шахсга ёки ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан; бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб; телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб содир этилиши жиноятнинг оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланишига сабаб бўлади. Оғирлаштирувчи ҳолатларга Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 13 июндаги ЎРҚ-436-сон Қонуни асосида ўзгартириш киритилган. Унгача эски таҳрирдаги Жиноят кодексига кўра мазкур жиноятда жабрланувчи фақатгина айбдорга моддий ёки бошқа жиҳатлардан қарам бўлмаган ёхуд қарам бўлган шахслар сифатида чекланиб қолган эди.

Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноятининг субъектив томони жиноят ҳуқуқи назариясида кўплаб баҳсларга сабаб бўлмоқда. Кўпчилик олимларнинг фикрига кўра мазкур жиноят эгри қасд ёки эҳтиётсизлик орқали содир этилади. Ҳуқуқшунос олимлар С.Бородин, В.Кудрявцев, А.Наумов, Б.Здравомыслов, И.Козаченко, З.Незнамов ушбу жиноятнинг субъектив томони бевосита эгри қасд билан таърифланади, агар шахс қасддан жабрланувчини ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказса, унинг ҳаракатлари одам ўлдириш жинояти сифатида баҳоланади, деб таъкидлаб, бундай ҳаракат ўлимга сабаб бўладиган даражадаги жароҳат етказиш, заҳарлаш каби ҳаракатлардан фарқ қилмаслигини кўрсатишган. М. Журавлев, С. Никулин ва бошқа ҳуқуқшунос олимларнинг фикрича, ўзини ўзи ўлдиришда жабрланувчи ўз ҳаётига ўзи нуқта қўйган бўлиши лозим. Чунки ўзини ўзи ўлдириш жиноятининг одам ўлдириш жиноятидан принципиал фарқи ҳам айнан шундадир. Бундай қарашларни ҳуқуқшунос олимлар Ю.Ронжин ва Б.Волков қўллаб-қувватлаб, "...ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказишнинг одам ўлдиришдан фарқи, айбдор жабрланувчини ҳаётдан маҳрум қилмаслигидадир. Ҳаракатлари билан у жабрланувчи учун ўзини ўзи ўлдиришдан бошқа чора қолмайдиган вазиятни туғдирса-да, жабрланувчи ўзини ўзи ўлдирмасдан, айбдорнинг таҳқирларидан қочиш ва бошқа йўللар билан халос бўлиши мумкин"лигини таъкидлашган.⁶

Ҳуқуқшунос олима Ю.Никонорова ўз мақоласида ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жинояти айб шакли нуқтаи назаридан эҳтиётсизлик натижасида содир

⁶ Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноятини квалификация қилиш ва уни тергов қилишнинг ўзига хос жиҳатлари. Б.Х.Ахунов. Ўқув қўлланма. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари. – Тошкент: 2017. 10-бет

этилмаслиги, балки тўғри қасд орқали содир этилишини, айбдор бу ҳаракатлари билан жабрланувчида ўзини ўзи ўлдиришдан бошқа чора қолдирмаслигини айтиб ўтган.⁷ Аммо бу фикрга қўшилиб бўлмайди, чунки айбдор шахс жабрланувчининг ўзини ўзи ўлдиришига тўғри қасд қилган бўлса, бу ҳолатда унинг ҳаракати ЖК 103-модда билан эмас, балки 97-модда, яъни қасддан одам ўлдириш жинояти сифатида баҳо берилиши керак. Бу ҳақида профессор М.Х.Рустамбоев ҳам шу фикрни берган.⁸

Бизнинг фикримизча, ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жинояти айбнинг икки хил шакли орқали содир этилиши мумкин. Эгри қасд ёки эҳтиётсизлик натижасида содир этилади. Айбдор жабрланувчини қасддан кўрқитиши, унга раҳмсиз муомала қилиши ёки муттасил равишда унинг шаъни ва қадр-қимматини камситиши натижасида унинг ўзини ўзи ўлдириши мумкинлигига кўзи етса ҳамда бунга йўл қўйиб берса жиноят эгри қасд билан содир этилган деб топилади. Агар айбдор жабрланувчининг ўзини ўзи ўлдирмаслигига асоссиз равишда умид қилган (ўз-ўзига ишониш) ёки жабрланувчининг ўзини ўзи ўлдиришига кўзи етмаса-да, лекин ўзининг қилган хатти-ҳаракатлари бунга сабаб бўлишига олдиндан кўра билиши мумкин ва лозим бўлса (бепарволик) эҳтиётсизлик билан содир этилган деб топилади.

Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноятининг қурбонлари асосан оиладаги келишмовчиликлар натижасида аёллар ҳамда ўтиш ёшида бўлган ўсмирлар эканлигини инобатга олиб, ҳар бир ҳудуд кесимида маҳаллалар, хотин-қизлар бўйича қўмита вакиллари, таълим даргоҳлари, профилактика инспекторлари томонидан бу ҳолатларнинг олдини олиш учун уларга етарлича тушунтириш ишлари олиб боришлари, ғайриқонуний ва ғайриинсоний содир этилган ҳар бир ҳаракатни назоратга олишлари ва буни қайд қилиб боришлари орқали мазкур жиноятнинг тобора кўпайиб боришини олдини олиш мумкин.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлсак, ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноятларининг содир этилиш сабаблари ва имкон берган шарт-шароитларини ўрганиш, жабрланувчи ва жиноятчи психологиясини билиш ҳамда бу жиноятларни олдини олиш ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакили бўлган давлат томонидан ҳам, бевосита фуқаролар томонидан амалга оширилиши ушбу турдаги жиноятларни фош этишда ўзининг ижобий самарасини беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси.
3. “Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 11.09.1998 йилдаги 20-сонли қарори.
4. World Health Organization. Suicide worldwide in 2019. Global Health Estimates. 4-бет.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. / А.Мадвалиев таҳрири остида. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – Б. 415.

⁷ Некоторые вопросы квалификации доведения до самоубийства и склонения к совершению самоубийства или содействия совершению самоубийства. Ю.В.Никонорова. Вестник экономические безопасности, №3/2020. 149-бет

⁸ Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм. Олий ўқув юртлари учун дарслик. М.Х.Рустамбоев. – Тошкент. “Ўқитувчи”, 2003. 62-бет

6. Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм. Олий ўқув юртлари учун дарслик. М.Х.Рустамбоев. – Тошкент. “Ўқитувчи”, 2003. 60-бет.
7. Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноятини квалификация қилиш ва уни тергов қилишнинг ўзига хос жиҳатлари. Б.Х.Ахунов. Ўқув қўлланма. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари. – Тошкент: 2017. 10-бет
8. Некоторые вопросы квалификации доведения до самоубийства и склонения к совершению самоубийства или содействия совершению самоубийства. Ю.В.Никонорова. Вестник экономические безопасности, №3/2020. 149-бет.

